

Наврўз айёми
кўнглимиз бўлсин!

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

11

(704)-son

17-mart

www.xabar.cc.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2006

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Наврўз сизга муборак

Унутилган дунёдан ўзлигим қайтаётир,
Момом чанқовуз билан бир ўлан айтаётир,
Ўлан айтган юракда зор ётур, армон ётур,
Бошида қори борлар, Наврўз Сизга муборак,
Кўнглида зори борлар, Наврўз Сизга муборак.

Яшил-яшил қирларда от кўрмадим, из кўрдим,
Отамнинг елкасида чуқур-чуқур кўз кўрдим,
Қорачиглар тундаин, аммо унда туз кўрдим,
Елкаси бор оталар, Наврўз Сизга муборак,
Мен кўрмаган дунёлар, Наврўз Сизга муборак.

Онажон, қатимларинг қисқа эмас, узундир,
Ўзун-ўзун қатимлар бесаборга тўзимдир,
Ойга омонлик айтган сўзларингни менга бер,
Онажон, жон жаҳоним, Наврўз Сизга муборак,
Етолмаган имконим, Наврўз Сизга муборак.

Тол новдасин эгсангиз, синмас, бўлур айлона,
Ишқдан кўзига сурма тортмас қайси жонона,
Ишқ деб адо бўлганни атармишлар девона,
Тилида байти борлар, Наврўз Сизга муборак,
Байтида дарди борлар, Наврўз Сизга муборак.

Кўзимдан боқар менга соддагина қишлоғим,
Сумалак қайноғидай юксалган Ҳисор тоғим,
Тош шаҳарда зерикдим, Сенга қайтгум бор чоғим,
Элим, юртим, қишлоғим, Наврўз Сизга муборак,
Шеър бўлмай қолган оҳим, Наврўз Сизга муборак!

Моҳинисо КАМОЛОВА



— сифат
рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

Haftalik xabarlar

HAY'AT YIG'ILISHIDA

◆ Матбуотда "Ш.И. Салиховни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти этиб тасдиқлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

◆ "ГУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Конвенцияни (Ялта, 2001 йил 7 июн) денонсация қилиш ҳақида" ва "Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналариининг халқаро таснифини тасйс этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида", шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида" Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари матбуотда чоп этилди.

◆ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси Акмал Саидов бошқарган йиғилишда "Нодавлат нотариат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуннинг Фаргона вилоятда ижро этилиши юзасидан назорат-таҳлил фаолиятининг яқунлари муҳокама этилди.

◆ Пойтахтимиздаги "Дедеман" меҳмонхонасида мамлакатимиз хайрия ташкилотларининг "Ўзбекистонда хайрия фаолияти: анъаналар, имкониятлар, истиқболлар" номли форуми ўтказилди.

Унда халқимизнинг азалий қадрларидан бўлган хайрия ишлари — "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар ҳамда иқтисодий ночор кишиларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги тарихий тажриба ва бугунги қилнаётган ишлар тўғрисида мутахассислар томонидан маърузалар ўқилди.

Тадбирда, шунингдек, "Меҳр нури" хайрия жамғармаси томонидан республикаимизнинг чекка туманларида жойлашган қишлоқ врачлик пунктлари учун 8та тиббий хизмат машинаси тақдим этилди. Уларни жамғарма Жамоатчилик Кенгаши раиси Г.Каримова топширди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонун лойиҳасининг алоҳида боби муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳимоясига бағишланган. Унда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, мазкур ҳуқуқларни ҳимоя қилишининг техника воситалари ҳамда усуллари назарда тутилган. Депутатлар ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида бу нормалар мазкур соҳадаги халқаро стандартларга тўлиқ мос қилишни таъкидладилар.

◆ Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ҳамда мазкур музей ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган янги экспозициялар очилди. Очилиш маросимида таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, ўқитувчилар, талабалар, жамоатчилик ҳамда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этишди.

◆ Республика Пул-кредит сийсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси ўтказилди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида" 2005 йил 5 август қарори ижроси ҳамда Республика Пул-кредит сийсати комиссияси ваколатига кирувчи бошқа қатор масалалар муҳокама этилди.

◆ Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистондаги жисмоний имконияти чекланганлар учун телекоммуникация маркази ташкил этиш лойиҳасига 33,5 минг АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг маълумотиға кўра, мазкур маблағ Ўзбекистон ҳудудида жисмоний имконияти чекланганлар учун ташкил этиладиган телекоммуникация марказларини замонавий ускуналар билан жиҳозлашга йўналтирилади. Бундай марказлар Интернет тармоғига бепул уланади.

◆ Хоразм вилояти ҳокимлигида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлири фаолияти самарадорлигини ошириш" мавзусида йиғилиш ўтказилди. Мажлисда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги муҳим вазифалар тўғрисида гапирилди.

Воҳа телекоммуникация тармоғини ривожлантириш масаласи

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директори А.АРИПОВ олиб борди.

Йиғилишда "Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари телекоммуникация тармоғининг ҳолати ва уни келгусида ривожлантириш истиқболлари тўғрисида" "Ўзбектелеком" АК бош директорининг ўринбосари М.Кодилов маъруза қилди.

Маълумки, республикаимизда телекоммуникация тармоғи ва компютерлаштириши янада ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга доир бир неча фармон ва қарорлар қабул қилинган. Мазкур қарорларни бажариш юзасидан Агентлик раҳбарияти бошчилигида қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

JBIC лойиҳаси яқунланиши билан республикаимизнинг туман марказларига рақамли каналларни етказиш даражаси Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан ташқари барча вилоятларда 100 фоизга етказилади.

1997 йили Осиё (Хитой) ва Европа (Германия) давлатларини боғловчи Транс-Осиё-Европа халқаро оптик-толали алоқа линиясининг Ўзбекистон Республикасидаги сегменти 15та узатиш тизими ва 900 км.га яқин оптик-толали каабеллар асосида қурилиб, эксплуатацияга топширилди. Натижада Тошкент-Бухоро-Олот йўналишидаги Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари марказларида юқори тезликдаги рақамли каналлар ташкил этилди.

— 1999 йили Япония халқаро иқтисодий ҳамкорлик фонди — (OECF)нинг имтиёзли кредити доирасидаги лойиҳанинг амал-

га оширилиши натижасида Қарши-Термиз (Қарши-Одамтош-Дарбанд-Жарқўрган-Термиз-Учкизил, Жарқўрган-Вахшивор-Денов) йўналишида 8та рақамли радиорелели станция ишга туширилди. Термиз, Жарқўрган, Деновга эса рақамли каналлар етказилди. Шу билан бирга, бошқа лойиҳалар асосида Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шахрисабз, Сурхондарё вилоятининг Сарихосиё, Олтинсой (Қарлук) ва Шўрчи туманларида ҳам рақамли каналлар очилди.

Айни пайтда Қашқадарё вилоятида жами 88 минг сигимга эга бўлган телефон станциялари орқали алоқа хизмати кўрсатиляпти. Шундан 58 минг сигими шахар телефон тармоғига, 30 минг сигими қишлоқ телефон тармоғига тўғри келади.

Вилоятда "Alcatel" (Германия) компаниясининг S-12 коммутация қурилмалари асосида умумий сигими 30,5 минг рақамга эга бўлган рақамли АТСлар ўрнатилган. Шунингдек, Баҳористон(Миршкор)да Туркиянинг "Неташ" компаниясининг DRX-4 русумли 1,5 минг сигимли станциясидан фойдаланилаётган бўлса, қолган туманларда АТСК-50/200, АТСК-100/2000 ва АТСК-У русумли аналог станциялар, Қарши шаҳрида эса "Huawei" компаниясининг 2,2 минг портли шахарлараро телефон станцияси аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Сурхондарё вилоятида эса жами 71 минг сигимга эга бўлган телефон станциялари орқали алоқа хизмати кўрсатилмоқда. Шундан 45 минг сигими шахар телефон тармоғига, 26 минг сигими қишлоқ телефон тармоғига тўғри келади.

Вилоятда "Ericsson" (Швеция) компаниясининг АХЕ-10 коммутация қурилмалари асосида умумий сигими 22 минг рақамга эга бўлган рақамли АТСлар ишлаб турибди. Шу билан бирга, хозирда АТСК-50/200, АТСК-100/2000 ва АТСК-У русумли аналог станциялардан ҳам фойдаланиляпти. Айни пайтда Термиз шаҳрида "Huawei" компаниясининг 3,8 минг портли шахарлараро телефон станциясини ишга тушириш ишлари амалга оширилмоқда.

"Huawei" компанияси томонидан амалга оширилаётган лойиҳа доирасида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига 6та STM-16, 10 та STM-4, 15та STM-1 русумли узатиш тизими етказиб бериш тақлифи олинган. Уни амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Келгусида мазкур вилоятларда оптик-толали рақамли транспорт тармоғини қуриш ва аналог телефон станцияларини рақамлисига алмаштириш ҳамда кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, Тожикистон ва Афғонистон йўналишида юқори тезликдаги каналларни очишни ҳисобга олган ҳолда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг барча туман марказларига юқори тезликдаги рақамли каналларни ташкил этиш учун "Huawei" компанияси тақлифи асосида қурилмаларни сотиб олишни тездаштириш каби вазифаларни бажариш лозим.

Ҳайъат йиғилишида қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Электрон тизимга ўтишда муҳим қадам

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида Электрон рақамли имзо (ЭРИ) қалитларини рўйхатга олиш марказини рўйхатга олиш органи ҳамда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази (ФТМТМ) қошида ЭРИ қалитларини рўйхатга олиш марказининг ташкил этилиши муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимиз Президентининг 2002 йил 30 майдаги "Компютерлаштириши янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони АКТдан иқтисодиётнинг барча жабхаларида ва жамият ҳаётида кенг фойдаланиш имконини берди. Айниқса, АКТнинг ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий ва техник базасини ривожлантириш учун ушбу фармон муҳим туртки бўлди.

Ўтган вақт давомида Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида", "Электрон савдо тўғрисида"ги қонунлари қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг ижросини таъминлаш юзасидан мамлакатимиз

Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларга кўра, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига Электрон рақамли имзодан фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича қатор вазифалар юкланган эди. Шундан келиб чиқиб, Агентлик қошида ЭРИ қалитларини рўйхатга олиш марказини рўйхатга олиш органи тузилди. ФТМТМ таркибида эса ЭРИ қалитларини рўйхатга олиш маркази ташкил этилди.

Матбуот анжуманида Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори М.Маҳмудов сўзга чиқиб, ташкил этилган марказнинг вазифалари, ЭРИ қалитларини тайёрлаш ва сертификатларни тақдим этиш тартиблари ҳақида маъруза қилди.

Эндиликда ҳар бир киши ЭРИ қалитларини рўйхатга олиш марказига мурожаат қилиб, ўзининг электрон рақамли имзосига эга бўлиши мумкин.

Келгусида ЭРИ қалитларини рўйхатга олиш марказлари бошқа вазирлик, идора ва ташкилотлар қошида ҳам ташкил этилади. Бу ҳақдаги тўлиқ маълумот www.aci.uz веб-сайтида келтирилган.

Амалга оширилган бу ишлар харажатларнинг камайиши ва иш унумининг ошишига кўмак берибгина қолмай, электрон ҳужжат айланишини таъминлашда, электрон савдонини ташкил этишда, ҳуллас, давлат бошқаруви ва жамиятнинг электрон тизимга ўтишида муҳим босқич вазифасини ўтайди.

Лутфилло ТУСУНОВ

Наврўз, табиатнинг мени минг бир тарафи айлмай...

Кўзда кўёш чараклаб турибди. Мафтункор табиат жилolari офтобда худди келинчек мисоли нозлиниб, ўзини кўз-кўз қилаётгандай туюлади. Шундай бир жозибабакхш паллада Жаркўрган тумани почта алоқаси тармоғи йигитлари таратдудга тушиб қолишган. Бири ўчоқ кавламоқда, қолганлари ўтин ҳозирлаш билан банд. Ҳовли тўрига тикилган ўтов-(қора уй)да эса аёллар ундирилган бугдой майсаларини майдалаб, идишларга жойлаштиришяпти.

равийда қувонамиз. Наврўздан Наврўзгача бўлган даврда Жаркўрган почта алоқаси тармоғи биноси мукаммал таъмирдан чиқарилиб, замонавийлаштириш сари дадил қадам ташланди. Энг муҳими, хизмат кўрсатиш маданияти тубдан яхшиланди. ... Зўҳра юлдуз ёғдулари заифлашиб, тонг ёриша бошлади. Наврўз сайли қатнаш-

Қадамнинг қутлуғ келсин, кўккламим!..

Дошқозон ўчоққа ўрнатилгач, олов ёқилди. Сумалакни пишириш яна меҳнат фахрийси Бибиҳол опа Худойбердиева етакчилигида бошлаб юборилди. Бу аёл узоқ йиллар 2-Жаркўрган алоқа бўлимини бошқарган. Бибиҳол опа нафақага чиққунга қадар нафақат самарали меҳнати билан, балки элимизнинг азалии урф-одатларини қадрлаш орқали жамоани жипслаштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келган. "Ҳой чолғучи, ҳунарингизни кўрсатинг! Сиз-чи, ҳофиз укам, нега қўйламаяпсиз?! Ахир, бугун байрам. Келинлар, сумалак пишаётган дошқозон атрофида ўйин-кулги қилайлик, яйраб-яшнайлик". Бу Бибиҳол опанинг дил сўзлари эди. Зум ўтмай кўй қўшиққа уланди. Сайилга келган ҳамкасблар жам бўлишиб, рақсга туширишди. Файзли оқшом мушоираси ҳам хаваскор санъаткорлар чиқишига пайваста бўлди. Почта ходимлари бах-

ру-байт йўлида бир-бирлари билан бахшлашдилар. Барча улуг айдём — Наврўз нафасини яна бир бор теран ҳис қилди. Бибиҳол опа кўнғирот элида асрлар оша ардоқлаб келинган ва қақнусдек не-не синовларга бардош берган "Сумалак", "Қозон тўлди" каби урф-одатлар ҳақида эшитганларини сўзлаб берди. Шу аснода улар бебаҳо неъмат — Наврўзни қайтариб берган истиқлолга шўкрона билдиришди. Дарвоқе, кейинги салкам ўн беш йиллик дорилмомон кунларда ўзлигимизни англаш, буюк аجدодларимиз билан фахрланиш имконига эга бўлди. Кенг кўламда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳамда барча соҳаларда, хусусан, алоқа тизимидаги ислохотлар самарасидан ҳақли

чилари дошқозон атрофига жам бўлишди. Қурьон тиловатидан сўнг Бибиҳол опа қозон қолқоғини очиб: "Қадамнинг қутлуғ келгани руст бўлсин, кўккламим!" дея шукурат сузишга киришди. Шу кунни Жаркўрган тумани почта алоқаси тармоғи раҳбари Ҳасан Бердимуродов бошчилигидаги фаоллар гуруҳи жамоада кўп йиллар хизмат қилган Ҳалима Имангулова ҳамда Раиса Наумова каби фахрийлар хонадонига бориб, уларга сумалак ва байрам тўхфаларини топширишди.

Баҳор байрами сайллари "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиалининг бошқа шахобчаларида ҳам шундай давом этяпти.

Нортожи ЗИЁЁВ Сурхондарё вилояти

Ҳар сафар Наврўзи оламга пешвоз чиққанимда, қалбимда бокира ҳис-туйғулар жўш уради. Бу бежиз эмас.



Наврўз — табиат гултожи

Зотан, шу кунларда сўлим диёримизнинг қай бир гўшасига назар ташламанг, яратувчилик ишқи билан ёнган ҳамюртларимиз, шу жумладан, алоқа соҳаси ходимларининг ҳам ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишаётганига ғувоҳ бўласиз. Негаки, эл-юрт фаровонлиги, мамлакат қудратига қудрат бўлиши — барча юртдошларимиз қатори бу соҳа ходимлари, ишчи-хизматчиларининг ҳам асосий мақсад-муддаси, қолаверса, эзгу ниятига айланган. Истиқлол ғояларини дилларига жо қилиб олган ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод — йигит-қизлар кўзига қоқиб, бир теран маънони англаган. Халқимиз томонидан асрлар оша ардоқлаб келинган Наврўз, мана 15 йилдирки, ўзининг бутун мазмун-моҳияти билан Истиқлол шарофати тўфайли қўнғилларни янада хушнуд этмоқда. Зотан, Наврўз — янги ўй-орзулар, режа ва истақлар фасли! Касаба уюшмаси тизимида хизмат қилаётганимга ҳам тўрт йил бўлди. Соҳа ходимларини ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазалаш йўналишидаги ишларда буюқролик касабани уюшмаси етакчилари ҳам муносиб улуш қўшаётганини кўриб, эзгу ва хайрли ишлар йил сайин кўпайиб бораётганини аниқ ҳис этиб, жуда хурсанд бўланам. Дунёда ўзбек халқи азал-азалдан меҳр-муруватли ва оқибат-

ли бўлган. Миллатимизни бу инсоний фазилатлар ҳеч қачон тарқ этмаслигига ишонманам. Бу гўзал фазилатлар ҳаммамиз ардоқлаб, интиқиб кутаётган Наврўз кунлари янада яққолроқ намоён бўлади. Шу ўринда биргина мисолни айтиб ўтмоқчиман. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан вилоятимиз алоқа соҳаси бўйича ишлаб чиқилган тегишли Даструдна нафақат Наврўз арафасида, балки турли саналар муносабати билан жорий йил охиригача кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, нафақачиларга беғараз моддий ёрдам бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари режалаштирилган. Бундай савоб ва хайрли ишлар вилоятимизда ҳар йили амалга оширилади. Серкўёв мустақил диёримизда Наврўзи олам кешиб юрибди. Уни табулат гултожи дейишларича бор. Шу кўнғул айдём муносабати билан алоқа соҳаси ходимларини чини кўнғилдан қутлайман. Ишларингиз ҳаммша бароридан келсин. Наврўз байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар! Олия ШУКУЛЛАЕВА, Бухоро вилояти алоқа ходимлари бирлашган касабани уюшмаси қўмитасининг раиси

ALOQA KORXONALARIDA

Янги зафарлар сари

Янги техника ва технологиялар ўз-ўзидан яралиб қолмаганидек, уларни жорий этиш муайян қийинчиликлар, баъзан эса қўтилмаган вазиятлар билан кечадик, буни муайян соҳа кишиларигина тушунадилар. Одамлар ҳаётига нафақат қулайлик, балки фаровонлик олиб келувчи технологияларнинг турмушимизга кириб келиши ортидаги захматлар, ривожланиш машаққатлари тўғрисида андак тўхталиб ўтиш, бизнингча, мақсадга мувофиқдир.

Вилоятимизда телефон алоқаси йигирмачи асрининг бошларида йўлга қўйилган. 1913 йилда Кўкон шаҳрида бўларга тегишли 377та телефон бўлган. Ҳа йилларда янги Марғилонда телефондан 99 нафар мижоз фойдаланган. Фақат 1939 йилга келибгина Фарғона шаҳрида телефон станцияси қурилган. Уруш сабаб бўлса керак, шундан 15-16 йил ўтиб, яъни 1955-1956 йиллардагина телефон алоқаси нисбатан аниқроқ ишлай бошлаган. Яна ўн йиллардан сўнг, 1966-67 йилларда вилоят марказида мижозлар сони 850 нафарга етган. Унда биз ёш бола эдик. Тошкентда ўқиган опаларимиз, армияда йигитлик бурчини адо этаётган акаларимиз билан телефонда гаплашиш учун сўзлашув масканига бориб, куну тун қолиб кетган пайтларимиз бўларди. Телекоммуникация тизими янада ривожланишини интизорлик билан кутар эдик. Ҳа декадаги одимловчи 70-йилларидаёқ эскирди ва жойларда АТСК хижозлари ўрнатилга бошланди. Мустақиллик йилларида телекоммуникация тарихида ҳайратланарли янги босқичга (1993-1995 йилларда) қадам қўйилди. 1994 йили Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган 50000 синимга эга бўлган рақамли электрон станциялари республикада биринчи бўлиб Кўкон ва Марғилон шаҳарларида ўрнатилди. 1999 йил ҳам соҳамиз учун яхши келди. Алоқа сифатини яхшилаш мақсадида «NEC» компанияси (Япония)нинг замонавий радиореле ускуналари ўрнатилди. 2001 йили EDCF лойиҳасига кўра Фуқрат туманида «Искрател» русумли АТС, Кўкон ва Қувасой шаҳарлари, Тошлоқ, Қува ва Фарғона туманларидаги АТСлар Жанубий Кореянинг замонавий АТСларига алмаштирилди.

2003 йилдан бошлаб эса JBC лойиҳаси бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Оптик-толали кабеллар ётқизилди. Вилоят марказида 3660 канал синимга эга бўлган янги шаҳарлараро станция (АМТС) ишга туширилганига ҳам икки йилдан ошди. Булар биз, вилоят алоқачилари учун унутилмас саналардир. 2005 йил декабр ойининг дастлабки кунлари ҳам вилоят телекоммуникация тарихи зарвақларидан муносиб ўрин олди десам, асло муболаға бўлмайди. «HUAWEI» компаниясининг 53500 рақамли станциясини ишга туширишга муваффақ бўлди. Кўкон шаҳрининг Муҳимий мавзесида ҳам янги рақамли АТСни ишга тушириш арафасида турибмиз. Хуллас, барча шаҳар ва туманлар марказларида телекоммуникация тармоқлари тўлиқ рақамли тизимга ўтказилди. Вилоят бўйича ягона тизим яратилиб, етти рақамлига алмаштирилди. Мижозларга ўттизга яқин қўшимча хизмат турлари тақдим этиляпти. Бу меҳнат галабасини, яна такор айтсақ арзийди, осонликча қўлга киритмадик. Ортида қанчадан-қанча захматлар ётибди — бу фақат ўзи-

мизга аён. Айниқса, Фарғона шаҳрида энг эски хисобланган 226-АТСни янғисига алмаштириш жараёнида кўп тер тўқишга тўри келди. Ун беш кун мобайнида уч сменада иш олиб борилди. Ҳар сменада 20 нафардан кўпроқ мутахассис, малакали кабел пайвандловчи ҳамда линия монёрлари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилдилар. Мазкур АТСда 10000 рақам бор. Ҳар бир кабелда 1200та сим, 600 рақам мавжуд. Уларни битта-битта улаб чиқиш машаққатини, менимча, мутахассис бўлмаган одам ҳам тасаввур этиши мумкин. Алоқа узлуқсизлигини таъминлаш, янғича рақамлаш билан эскисини мувофиқлаштириш каби бири-бирдан масъулятли ишлар бошида филиал директори ўринбосари Баҳодиржон Тешабоев бошчилигидаги Энвар Аджигелдиев, Владимир Ежков, Абдурашид Мамасодиқов, Қодир Ражикориев, Рустам Шамсутдинов, Рузимат Назаров, Расул Субҳонбердиев, Азиза Абдуллажонова каби билимдон мутахассислар турдилар. Ишларнинг беҳато бажарилишини таъминладилар. Ҳалима Данилова, Фирӯза Фаҳрутдинова, Ҳалим Қурбонов, Исроиҳ Халилов, Отабек Султонов, Турсунали Мадаминов, Қосим Баракабоев, Дилшод Собиров, Аҳмаджон Ҳакимовлар ҳам уйқу нима, ҳаловат нима эканини билмадилар. Фидокорлик намуналарини кўрсатиб, ҳақиқий алоқачи эканликларини исботладилар. Кўкон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси мутахассислари — Евгений Самсонов, Қурбонбой Ашуеров, Мумтоз Нишонов, Ҳакимжон Акбаров, Муҳторали Маматқулов, Улғабек Турсунқулов, марғилонлик Анвар Мирзараҳимов ва Ойбек Умарчаев, фарғоналик Владимир Сочнётлардан иборат кўрсатиб ишлагани учун беҳад миннатдоримиз. Ишларни сифатли бажаришда уларнинг тажриба ва салоҳиятлари жуда асосди. Заҳматлар ортда қолди. Янги станциялар бир текис ишламоқда. «Иқтисодий ўсиш тезлашади, одамларнинг турмуш даражалари ўсади», дейишмоқда кўзга кўринган олимларимиз бизга ўз ташаккурларини исҳор этар эканлар. Дарҳақиқат, инсон интеллекул салоҳиятини тобора юксалтириш, қимматбахо вақтини тежаш имкониятларини кўпайтирдиқ, деб фахрлансақ арзийди. Ниятимиз — зиммалардаги вазифаларни ҳаммша ёруғ юз билан адо этиш, меҳр-муруват, савоб ишларни давом эттириш, бурчмизни тўла-тўқис бажариб, янги зафарларга эришишдир. Фурсатдан фойдаланиб, Наврўз байрами билан барча юртдошларимизни, ҳамкасбларимизни самийий табриклайман. Янгилик яратишдаги сермашаққат ишлариди омадлар тилайман. Нўрмонжон АҚБАРОВ, «Фарғона Телеком» филиали директори

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш борасидаги бир қатор устувор йўналишлар ҳамда асосий вазифалар белгилаб берилган. Айтиш жоизки, 2005 йилда ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида деярли барча соҳаларда барқарор иқтисодий ўсиш кузатилди. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳам бундан мустасно эмас.

Маълумки, иқтисодиёт ва жамят ҳаётининг барча тизимларида замонавий ахборот технологияларини, компютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш, уларнинг ҳажон ахборот ресурсларидан янада кенгроқ баҳраманд бўлишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш — алоқа ва ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни ривожлантириш борасидаги тadbирлар 2002—2010 йилларда компютерлаштириш ва АКТни ривожлантириш дастури, Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан қабул қилинган дастурлар ва иш режасига мувофиқ амалга оширилади.

Алоқа ва ахборот-коммуникация соҳасидаги ислохотларнинг бориши кўйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади.

Биринчидан — алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган меъриий-ҳуқуқий база такомиллашмоқда.

Тақтисоҳини янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2005 йилнинг 19 майида «2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ва шу йилнинг 2 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизimini такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, АКТни ривожлантиришга тааллуқли қонунларнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2005 йилнинг 8 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-tadbirlar тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида махсус ваколатли орган этиб белгиланди. Давлат бошқарув органларида ахборот технологияларини жорий этиш дастури, 2010 йилгача телекоммуникация ва маълумотларни узатиш тармоқларини ривожлантиришнинг мақсади йўналишлари ҳамда Миллий ахборот кидирув тизimini яратиш ва ривожлантириш дастури тасдиқланди.

АКТ жуда тез ривожланаётганлиги эътиборга олинб ҳамда соҳадаги долзарб муаммоларни ечиш, мавжуд компютер хатарларидан муҳофазаланишнинг таъминлаш мақсадида 2005 йилнинг 5 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ахборот-коммуникация тизимларининг компютер хавфсизлигини таъминлаш борасидаги қўшимча чора-tadbirlar тўғрисида»ги махсус Қарори ва «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг маълумотлар узатиш хизматларини ривожлантириш ва уни хусусийлаштиришга тайёрлаш чора-tadbirlari тўғрисида»ги ҳамда 2005 йилнинг 28 сентябрида таълим йўналишидаги АКТ ривожланишини, асосан уларнинг мактабларда ривожланишига қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорлари, бундан ташқари, 2005 йил 28 декабрда «ZiyoNET» ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида»ги, 2005 йилнинг 26 сентябрида «Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги Вазирлар

АКТ: ривожланиш истиқболлари

Маҳкамасининг Қарорлари қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори билан давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги ва давлат органларининг ахборот тизимларини яратиш тартиби тўғрисидаги Низомлар тасдиқланди.

Иккинчидан — телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришда ҳам бир қатор ютуқларга эришилди.

Асосий телефонлар сони йил бошига нисбатан 35,4 минг донага ўсиб, 2006 йил 1 январда 1 миллион 730 мингта ташкил этди. Монтаж қилинган АТСларнинг ишлаш коэффициентини 88,4 фоизга етказилди. Барча АТСларда электрон АТСларнинг улуши ошди, 66,2 фоизни ташкил қилди.

Уяли телефон алоқаси абонентлари сони 2005 йил бошига нисбатан 11,4 фоизга ортиб, 1 миллион 150 минг нафарга етди (**1-жадвал**).



1-жадвал.

Учинчидан — Интернет бозори ва АКТ соҳаси тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 200-сонли қарори билан белгиланган кўрсаткичлар кўйидагича:

– Интернетга улашиш хизматларини кўрсатувчи оператор ва провайдерлар сони **425**та (**344**таси жамоат уюланиши);

– халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш умумий тезлиги **143,104** Мбит/с (Дастур бўйича мақсадли йўналишлар 2005 йил якунига — **128** Мбит/с);

– Интернетдан фойдаланувчилар сони **855** минг нафар (Дастур бўйича мақсадли йўналишлар 2005 йил якунига — **246,0** минг фойдаланувчи, яъни, ҳар 1000 фуқаро хисобига **33** фойдаланувчи)ни (**2-жадвал**);



2-жадвал.

– Интернет тармоғига уланган давлат бошқарув органлари **100** фоиз (Дастур бўйича мақсадли йўналишлар 2005 йил якунига нисбатан — **33,4** фоиз)ни;

– республика шаҳарларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси — **100** фоиз (Дастур бўйича мақсадли йўналишлар 2005 йил якунига нисбатан — **100** фоиз)ни (**3-жадвал**);

– туман марказларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш — **84** фоизни;


– қишлоқ жойларини телекоммуника-

тиш, экспертизадан ўтказиш ва «ZiyoNET» тармоғининг технологик майдончасида жойлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Агентлик ҳамда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказлари ташкил этилиб, синов тартибида ишлатилмоқда.


Тўртинчидан — Интернет тармоғидаги ахборот ресурсларини ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги «Ахборотлаштириш соҳасида



3-жадвал.

ция тармоқлари билан қамраб олиш даражаси **90** фоиз (Дастур бўйича — **89,7** фоиз)ни, шу жумладан, рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси **52** фоиз (Дастур бўйича — **50,8** фоиз)ни (**4-жадвал**);



4-жадвал.

– Интернет тармоғига уланган давлат бошқарув органлари сони (таркибий бўлимларини ҳисобга олган ҳолда) 2006 йил 1 январда **735**тани, ҳўжалик юритувчи субъектлар сони **15150**тани ташкил этди.

Сирдарё вилоятида электрон ҳужумат бўйича пилот лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 сентябрдаги «Миллий ахборот-коммуникация тизимларининг компютер хавфсизлигини таъминлаш борасидаги қўшимча чора-tadbirlar тўғрисида»ги Қарори билан компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази — «Ўзинфоком» ҳузурида Компютер ҳодисаларига чора кўриш хизмати ташкил этилди, 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига биноан эса «Ўзинфоком» Маркази томонидан «ZiyoNET» ахборот тармоғи тузилапти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги «ZiyoNET» ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қарори билан «ZiyoNET» тармоғининг ахборот ресурсларини яратиш, ривожлантириш ва жамлаш дастури, республикамиз мактаблари, академик лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ва бошқа таълим, илмий ҳамда маданий-маърифий муассасаларини «ZiyoNET» тармоғига улаш режа-жадвали, ахборот ресурсларини яра-

норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори билан Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби ҳамда Давлат ахборот тизимларини яратиш тартиби тўғрисидаги Низомлар тасдиқланди.

2005 йил якуни бўйича ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, республика давлат бошқарув органларининг ўртача **96,7** фоизи ўз веб-саҳифаларига эга.

Интернет тармоғида Ўзбекистон ҳақидаги ахборот ресурсларини шакллантириш ва кўпайтириш бўйича маълум ишлар олиб борилди. Жумладан, Миллий кидирув тизimini яратиш ва янгиллаш, уни турли йўналишлардаги ахборот ресурслари билан тўлдирish бўйича ишлар олиб борилмоқда. Пилот лойиҳаси ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш учун тегишли компютер воситалари сотиб олиш бўйича танлов ўтказилди. Қарорга мувофиқ **58**та ахборот ресурслари ишлаб чиқиши керак эди. Олиб борилган таҳлил натижасида **15**та ахборот ресурслари мавжудлиги ва яна **43**та ахборот ресурсларини ишлаб чиқиш кераклиги аниқланди. Ҳозирги кунда **38**та ахборот ресурслари ишлаб чиқилди (**88,4** фоиз), **5**таси (**11,6** фоиз) техник жиҳатдан тайёр бўлди. Шу билан бирга, **17** нафар ёзувчи ва шоирнинг ҳамда **3**та газетанинг веб-саҳифалари ишлаб чиқилиб, Интернет тармоғига жойлаштирилди.

Бешинчидан — Ахборот-коммуникация соҳасида кадрларни тайёрлаш ишлари такомиллаштирилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетида «Ахборот хавфсизлиги», «Электрон тижорат», «Автоматлаштирилган тизимларда ахборотни қайта ишлаб чиқишни бошқариш», «Ҳисоблаш машиналари», «Мобил алоқа тизимлари» ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. ТАТУ қошида CISCO ҳамда ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасида аёл мутахассисларни тайёрлаш бўйича марказлар ташкил этилган.


Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш маркази ҳузурида «Microsoft» компаниясининг IT-академияси ташкил этилди. Марказда **230**дан ортиқ талаба дастурлаш бўйича ўқитилди.

«Ўзинфоком» маркази ҳамда «SUN Microsystems» компанияси ҳамкорлигида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича автоматлаштирилган тренинг маркази ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги қарорига мувофиқ «Ўзинфоком» маркази махсус курсларида **22** вазирлик ва идораларнинг мутахассислари ўқитилди.


Юқорида қайд этилган мисоллар республикамизда АКТ тез суръатлар билан ривожланаётганлигини далиллади. Ушбу йўналишларнинг тўлиқ ва комплекс равишда амалга оширилиши нафақат соҳа корхоналари, балки мамлакат иқтисодиётининг ҳам истиқболига катта ҳисса қўшади.

Серик АВГАНБАЙЕВ,
Агентликнинг ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари бўлими бошлиғи


UZBEKTELECOM

Наврўз

байрамингиз
муборак бўлсин!



**ФАН-ТЕХНИКА ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

Мамлакатимиз аҳолисини
баҳорнинг энг гўзал айёми
Наврўзи олам
билан муборакбод этади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик,
хонадонларингизга тинчлик-
хотиржамлик тилаймиз.



Қалбларингизни баҳорий кайфият
ҳеч қачон тарк этмасин!

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
ЖАМОАСИ**

Баҳор элчиси —
Наврўз айёми
билан барча юртдошларимизни,
алоқа ва ахборотлаштириш
соҳаси ходимларини
табриклайди.

Тун ва кун тенглашаётган, борлиқ
ажиб гўзалликка тўлган ушбу кунда
хонадонингиздан файзу барака
аримасин.

Наврўз барчага бахт келтирсин!

**“ЎЗАЛОҚАКОНСАЛТИНГ”
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

Юртдошларимизни, жумладан,
барча алоқачиларни
гўзал байрам —
Наврўз
билан қутлайди.

Сизларга самимий дил
сўзларимизни йўллар эканмиз,
Наврўзи олам барчамизга олам-
олам қувонч, бахт-саодат,
хонадонларимизга барака олиб
келишини истаймиз.

Байрамлар байрамларга уланаверсин!

**"РЕСПУБЛИКА МАХСУС АЛОҚА БОҒЛАМАСИ"
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

Заҳматкаш халқимиз ва алоқа соҳаси
ходимларини янгилаиш, уйғониш, поклик ва
эзгулик байрами —

Наврўзи

олам

билан самимий табриклайди.

Қутлуғ айём арафасида
барчангизга бахт-саодат,
хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ,
ишларингизда улкан
муваффақиятлар тилаймиз.



**Тинчлик ва тотувлик
ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!**

**"ALCATEL SEL AG" НИНГ Ўзбекистондаги
ВАКОЛАТХОНАСИ**

*Ўзбекистон халқини ҳақида
алоқа ва ахборот-лаштириши
соҳаси ходимларини энг эъза
ва тароватли айём —*

Наврўз

билан кутлайди.



Азизлар, Сизларни муборакбод этишдан гоят шодмиз. Наврўз
хонадонларингизга фақат яхшиликлар келтирсин!

**"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК
"АНДИЖОН ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Халқимизни ва барча алоқачиларни
тўкинлик ҳамда кут-барака рамзи бўлмиш

Наврўзи олам

билан муборакбод этади.



Серқуёш заминимиз обод,
дастурхонимиз тўкин бўлсин.
Бир-биримизга бўлган меҳр, оқибат
ҳеч қачон йўқолмасин.

Қур ва обод юртимиз янада қуллаб-яшнасин!

«ЎЗИ-ҚАРШИ» ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини
ва ҳамкасбларини
жаннатмонанд юртимизга янада
кўркамлик бахш этаётган


Наврўз айёми

билан табриклайди.



Байрам қалбингизга
илиқлик, хонадонингизга
тотувлик олиб кирсин!

Kahar-TV



“Ўзбекистон” телеканали TV I

- 5.55 Кўрсатқулар дастури.
- 6.00 “Ассалом, Ўзбекистон” 8.00-8.45 Таҳлинома.
- 8.45 ТВ-аним.
- 8.50 “Оттин мерос”
- 8.55 “Отин ва олам” дастури: “Қабулнинг тунгида”.
- 9.50 ТВ-аним.
- 9.55 “Камыш” экран.
- 10.45 “Наврў нашадиси”
- 10.55 “Сизнинг алоқатингиз”.
- 11.00 “Азорот”.
- 11.10 ТВ-аним.
- 11.15 “Осим булинди”.
- 11.20 “Осам” экран”
- 11.40 С.Аҳмад. “Келинлар қўзғолони”
- А. Хидоятлов номидли Ғўбек давлат драма театрининг спектакли. 1-қўям.
- 12.55 ТВ-аним.
- 13.00 “Келинарқўзғолони”. Спектакль 2-қўям.
- 13.45 “Қўшинчилар, муҳаббат” (SMS. Овоқ берилди)
- 14.00 “Азорот”.
- 14.15 ТВ-аним.
- 14.20 “Оттин мерос”.
- 14.30 “Майсариғнинг инши”.
- Бадий фильм. 1-қўям
- 14.35 “Портретга чиқарилар”.
- 15.45 “Наврў нашадиси”.
- 15.55 ТВ-аним.

- “Болалар сайраси”
- 16.00 “Эрталар - яхшиликка етаклар”.
- 16.20 “Эўмрад ва Қиммат”. Бадий-музыкалий видеофильм.
- 17.00 “Азорот”.
- 17.10 ТВ-аним.
- 17.15 “Равнак” студияси номидини эълон.
- 17.30 “Тоглар боши қурама”
- 17.50 “Банк ва миқот”.
- 18.00 “Оқдوم навалари”.
- 18.10 “Байрамнинг кўнгилли эълони”.
- 18.20 “Ғўлом ағрафиқчилар”.
- Видеофильм. 1-қўям.
- 19.00 “Аъло ўйинчи”. Телеюрег.
- 19.20 Биржа ва банк баҳарлари.
- 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
- 19.30 “Азорот” (рус тилида)
- 20.00 ТВ-аним.
- 20.05 “Овим булинди”
- 21.00 “Ишқ элти”. Телесериял премьераси.
- 21.00 “Азорот”.
- 21.35 ТВ-аним.
- 21.40 “Наврў қўшиқлари”. Хулқар Абдуллаев кулланди.
- 22.00 “Дока рўмолнинг қурши”. Бадий фильм. 1-қўям.
- 23.05 “Қўшгилмасан, муҳаббат” (SMS. Овоқ берилди)
- 23.15 “Дока рўмолнинг қурши”. Бадий фильм 2-қўям.
- 00.20-00.25 Туғи навалар.

“Шилар” телеканали TV II

- 14.25 Дастирнинг оқишони.
- 14.40 Болалар шеърлоти.
- 14.40 Эҳрика.
- 14.50 ТВ-аним.
- 14.55 Ватанпарвар.
- 15.55 Кино-SMS
- 16.00 Давр.
- 16.10 Интерфутбол.
- 17.50 Билганинги фойда.
- 18.05 Елкалар овози.
- 18.20 Чампан сирлари.
- 18.40 UZEX баҳарлари.
- 18.50 Мўғлинингдан, дийрим!
- 18.55 Исхити.
- 19.00 Давр.
- 19.35 ТВ-аним.
- 19.40 Автопатрул.
- 20.00 Рақуре.
- 20.15 “Бохор навалари”. Озодбек Назарбеков кулланди.
- 20.45 UZEX баҳарлари (рус тилида)
- 20.55 Эълонлар.
- 21.00 “Наврў олам муборак”. Байрам дастури 1-қўям.

ДУШАНБА — 20 МАРТ

- 21.50 ТВ-аним.
- 21.55 Иқлим.
- 22.00 Давр.
- 22.35 Кино SMS.
- 22.40 “Наврў олам муборак”. Байрам дастури 2-қўям.
- 23.20 “Қодир”нинг байрам ҳазили.
- 23.40 Оқдوم кўнтроллоти.
- 23.45 Дастирнинг эпизоди.

“Тошкент” телеканали TV III

- 18.20 Кўрсатқулар тартиби.
- 18.30 “Пойтахт” (рус тилида).
- 18.50 ТВ-аним.
- 18.55 Бождоканлар экран.
- 19.05 “Моҳир”.
- 19.20 “Табриқайни- кулаймигиз”.
- 19.45, 21.20 “Телеқурав маркет”.
- 20.00 “Пойтахт”.
- 20.20 ТВ-аним.
- 20.25, 22.35 “Экспресс” телегазетаси.
- 20.35 “Наврўнинг қайтиси”.
- 21.35 “Камилла”. Телесериял.
- 21.55 “Наврў”. Германиядан.
- 22.15 “Тошкент кўрилари”.
- 22.45 Киноюрег. “Тулар муборак”.
- 23.50-23.55 “Хайри тун, шайқон”.

СПОРТ

телеканали TV IV

- Телемотошабилар дамқатига!
- Профилатика муносабати билан. 20 март кўни “Спорт” телеканали ўз кўрсатқуларини 17.55 даволайди.
- “SPORT” ТЕЛЕКАНАЛИ.
- 17.55 Кўрсатқулар тартиби.
- 18.00 “Болалар спорти”.
- 18.15 Мультифилм.
- 18.30 “Хабарлар” (рус тилида)
- 18.50 “Жан менига”
- 20.03 “Вести”.
- 20.20 “Спортинги махлуқлари”.
- 20.50 “Футбол ширри”.
- 21.30 “Хабарлар”.
- 21.50 “Препратности любви”. Сериял.
- 22.50 “Пробл-РИНГ”.
- 23.40 “Мой последнее танго”. Худ. фильм.
- 1.20 “Туингист оуза Бузгис”.

- 6.00 Телеканал “Доброе утро”
- 9.00 Новости
- 9.05 “Убойная сила”. Многосерийный фильм
- 10.20 “Детективы”
- 10.50 Детектив “Евдимица Романова. Следствие велст адвекат”
- 12.00 Новости
- 12.20 Комедия “Железнодорожный романс”
- 14.10 Документальный фильм
- 15.00 Новости (с субтитрами)
- 15.10 “Лодка. Без комплексов”
- 16.00 Сериял “Гламур”
- 17.00 “Федеральный судья”
- 18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
- 18.10 “Большие девочки”.
- 18.40 “Любовь как любовь”. Многосерийный фильм
- 19.50 Жал менига
- 21.90 Время
- 21.30 “Лие судьбы”. Многосерийный фильм
- 22.30 “Детская любовь”. Док.фильм
- 23.40 Ночные новости

РОССИЯ

- 5.00 “Доброе утро, Россия”
- 8.45 Детектив “Инспектор уголовного розыска”
- 10.35 “В Городе”.
- 10.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
- 11.30 ВЕСТИ.
- 11.35 ВЕСТИ-МОСКВА.
- 11.50 “Комната ошкэ”
- 12.45 “Частная жизнь”. Ток-шоу.
- 13.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

- 14.00 ВЕСТИ.
- 14.20 ВЕСТИ-МОСКВА.
- 14.40 Х/ф “Первый постре Бога”.
- 16.40 ВЕСТИ-МОСКВА.
- 17.00 ВЕСТИ.
- 17.15 “Умоклопаторам”.
- 17.50 “Обреченная стать звездой”. Телесериял.
- 18.45 Телесериял “Волчица”.
- 19.45 ВЕСТИ. ПОДРОБНОСТИ.
- 20.30 ВЕСТИ.
- 20.30 ВЕСТИ-МОСКВА.
- 20.50 “Спокойной ночи, малыши”
- 21.00 Телесериял “Опера-2. Хроника убойного сдгдэ”.
- 21:55 Телесериял “Прозвиание”. “Экзамен”.
- 23.00 “ВЕСТИ”+.
- 23:20 “Москва. Неудавимые мстители”.



- 6.00 Информационный канал “СЕГОДНЯ УТРОМ”
- 9.00 “КУЛИНАРНЫЙ ПЕДИНОК”
- 10.00 “СЕГОДНЯ”
- 10.20 “ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ”.
- 10.50 “КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС”
- 11.55 “СЛОВЕСНЫЕ ВЕЛИ...”
- 13.00 “СЕГОДНЯ”
- 13:30 Сериял “МОРСКИЕ ДЬЯВОЛЫ”
- 15:30 “ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ”
- 16.00 “СЕГОДНЯ”
- 16:25 Сериял “БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРИНГ”
- 18:30 “ОБОЖР. ЧРЕЗВЫЧАЙНО ПРОИСШЕСТВИЕ”
- 19:00 “СЕГОДНЯ”
- 19:40 Сериял “УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ-7. ШЕСТЕРКА”
- 20:50 Сериял “У. Е. I”
- 22:00 “СЕГОДНЯ”
- 22:45 Откровеенный фильм “ЯДОВИТЫЙ ПЛОЩ З. СЛЕДУЮЩЕ СОБЛАЗНЕНИЕ”


КУЛЬТУРА

- “Сербская”
- 5:00 НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ
- 8:00 НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ
- 8:30 ИНТЕРАКТИВ.
- 9:00 “Крестьяна”. Х/ф.
- 10:45 ЛИНИЯ ЖИЗНИ. Ююкс Будритше.
- 11:40 ЗАПИСКИ ДИПЛОМАТА. АНАТОЛИЙ АДАМИШИН. Док.фильм
- Фильм: ф. “Итальянское калорчиче”.
- 12:10 “Осенний ветер”. Телеспектакль.
- 13:20 “Мой Эртмакт”.
- 13:50 “Каштанка”. Мультифильм.
- 14:20 ЗА СЕМЬЮ ПЕЧАТАМИ. Телевиюторина.
- 14:50 “Эволюция”. Док.сериял. “Опасная идея Дарвина”. Часть I-я.
- 15:50 “Порок слов”. Кинокие новости
- 15:55 ЭКОЛОГИЯ.ЛИТЕРАТУРА. Твор Кабогика
- 16:35 “БлокНот”. Музыкальный еженедельник.
- 17:00 “Визмуосвет”. Док.сериял. “Лучше, чем натурализм”.
- 17:30 НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ
- 17:50 НОЧНОСТИ ПОЛУЕТ
- 18:20 “Далгая аорга в лондон”. Телесериял.
- 19:30 “Сан-Суси. Занки и сэлл Петелами”. Док.фильм
- 19:50 ОСТРОВА. Инни Чурикова.
- 20:35 “Тем времена”
- 21:30 КТО МЫ? “Жили-были свьяне”.
- 22:30 НОВОСТИ ПОЛУЕТ
- 22:25 ПРО АРТ.
- 22:55 ДОК.КАМЕРА. “Made in Finland. Или кино с изьявкис”.
- 23:40 “Эволюция”. Док.сериял. “Опасная идея Дарвина”. Часть I-я.
- 8.00 “ШПИОНКА”. Многосерийный фильм.
- 8.50 “Смешиари”. Многосерийный мультифильм.

- 9.00 “Весные мелодии”. Многосерийный мультифильм.
- 9.30 Комедия. “МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ”.
- 10.00 “НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ”. Многосерийный х/ф.
- 11.00 История в деталях.
- 11.28 Настроне с Евгением Гришковцем.
- 11.30 Комедия. “МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ”.
- 12.00 Кино. “РУБИН КАИРА”.
- 14:25 “БЕДНАЯ НАСТЯ”. Многосерийный х/ф.
- 15.30 “Соник Искс”. Многосерийный мультифильм.
- 16.00 “Муми”. Многосерийный мультифильм.
- 16.30 “Смайур Искс”. Многосерийный мультифильм.
- 17.00 “Шаман Киин”. Многосерийный мультифильм.
- 17.30 “Звездный десант”. Многосерийный мультифильм.
- 18.00 Комедия. “САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА”.
- 18:30 “ДОРОГАЯ, Я УМЕНЬШИЛ ДЕТЕИ”. Многосерийный х/ф.
- 19:30 “ЗАДАВОВАННЫЕ”. Многосерийный х/ф.
- 20:25 Комедия. “МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ”.
- 21:30 История в деталях.
- 21:58 Настроне с Евгением Гришковцем.
- 22:00 “НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ”. Многосерийный х/ф.
- 23:00 Комедия. “КТО В ДОМЕ ХОЗЯИНА”.
- 23:30 Кино. “НЕУДЕРЖИМЫЕ”.



- 8.30 Победносный голос верующего. 9.00 Мультифильм “Баранкини, бульч человекоси”
- 9.15 Мультифильм “Рыжик, рыжик, конюпачик”.
- 9.30 Мультисериял “Сабрина - маленькая ведьма”.
- 10.00 Мультисериял “Черепашки-нинджи”.
- 10.30 Мультифильм “Чудесный сад”.
- 10:45 Мультифильм “Доказали историю”.
- 11:00 Х/ф “ТОРИ. ГОРИ МОЯ ЗВЕЗДА”.
- 13:00 Х/ф “С ЛЮБОВЬЮ, ДИЛЯ”.
- 15:00 “Осторожно, модерни”.
- 15:30 Мультифильм “Чудесный сад”.
- 15:45 Мультифильм “Доказали историю”.
- 16:00 Х/ф “ТО СЕМЕЙНЫМ ОБСТОЯТЕЛЬСТВАМ”.
- 18:40 Х/ф “МУШКЕТЕРЫ 20 ЛЕТ СТУПА”.
- 20:00 Сериял “ТРЕТЬЯ СМЕНА”.
- 21:00 Х/ф “ВЛАСТЬ ОГНЯ”.
- 23:00 Х/ф “ЛЕГЕНДА СОННОЙ ЛОШИНЫ”.



- 8.30 “Мозучие уютка”. Мультип.сериял.
- 8.55 “ПАУЭР РЕИНДЖЕРС. ИЛИ МОЗУЧНЕ РЕИНДЖЕРЫ. ДИКИЙ МИР”. Телесериял.
- 9.40 “МЭШ”. Комедийный сериял.
- 10:35 “Овеныли”.
- 11:30 “24”. Информационная программа.
- 11:50 Час судя. Деза семейные.
- 12.50 “Час судя”.
- 14:00 TV-cub.
- 14:30 “24”. Информационная программа.
- 15:00 “Невероятные истории”.
- 16:00 Кимера кафе.
- 16:15 “СЕКРЕТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ”. Телесериял.
- 17:15 Мозгочелюи: иссидле наукой.
- 18:30 “ВОВООЧКА”. Комедийный сериял.
- 19:45 “Овеныли” с Сергеем Ростом.
- 20:55 Камели кафе.
- 22:00 “СПЕЦПОТРАД “КОБРА-1””. Телесериял.
- 23:10 “СОЛДАТЫ-6”. Телесериял.

**"Ўзбекистон"
телеканалы TV I**

**НАВРЎ ЭЙМЕНГИЗ МЎБОРАК
БЎСИН!**

- 5.55 Қўрашлар дастури.
- 6.00 "Асалом, Ўзбекистон!"
- 8.00-8.35 "Афборот"
- 8.35 ТВ-анонс.
- 8.40 "Оттин мерос"
- 8.45 "Тайримизни қўнғилли ўстин"
- 8.55 "Қаттиқ ердан қатраб чиқилди". Бадиий-музикай композиция.
- "Бодлар сайераси"
- 9.05 I. "Оттин тоқ". Телевизион ўйин.
- 9.20 "Алломша" Мулафилм
- 9.55 "Айёмингиз мўборак бўйсин!"
- 10.00 Ашера Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий боғидан Наврў байрамига бағишланган тантаналар оғиб қўрасталди.
- 11.30 ТВ-анонс.
- 11.35 "Налқ яртган", Телевизиал.
- 12.10 "Айёмингиз мўборак бўйсин!"
- 12.15 "Дустан": студияси; "Ягона ошад",
- 12.35 "Тангалк болалар". Бадиий фильм.
- 13.50 "Наврў нашадиса"
- 14.00 "Айёмингиз мўборак бўйсин!"
- 14.05 "Махсуднинг инли"
- Бадий фильм, 2-қисм.
- 15.00 "Афборот"
- 15.10 ТВ-анонс.
- 15.15 "Оттин бешик"
- 15.50 "Одамларан бери"
- 16.10 "Наврў нашадиса".
- Болалар сайераси."
- 16.20 "Қўсқамой". Бадиий-музикай видеофильм премьераси.
- 17.00 "Афборот"
- 17.10 ТВ-анонс.
- 17.15 "Қалпоқ". Худайи қўрашув
- 17.45 "Айёмингиз мўборак бўйсин!"
- 17.50 "Бир ёзма-ки"
- 18.10 "Оқомон навалари"
- 18.20 "Тулкан атрафчиларлар". Видефильм, 2-қисм.
- 19.00 "Наврў таронаси". Махдум Наманов куйидаги.
- 19.25, 19.35, 20.55, 21.30 Эъландар.
- 20.30 "Афборот" (рус тилида)
- 20.00 ТВ-анонс.
- 20.05 "Оқарибо"
- 20.50 "Минг бир ривоят"
- 21.00 "Афборот"
- 21.25 Ашера Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий боғидан Наврў байрамига бағишланган тантаналар оғиб қўрасталди.
- 23.5 "Сеги фазоси". Бадиий фильм премьераси.
- 00.40-00.45 Туғил нолавар.

**"Ешлар"
телеканалы TV II**

- 6.25 Дастурини очилдаси.
- 6.30 "ЯНИ ТОНГ". Информацион дем оғиб дастури.
- 8.00 Даврини бағдаси.
- 8.10 "Вято". Мулафилм премьераси.
- 9.25 ТВ-анонс.
- 9.30 Кино SMS.
- 9.35 "Мустандилар ва эгулик". Хужжатли фильм.
- 10.30 Ашера Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий боғидан Наврў байрамига бағишланган тантаналар оғиб қўрасталди.
- 11.30 Аждадар сақиси.
- 11.35 "Наврў фантазиси".
- 12.35 Яшадилар ноушадиса."
- 13.00 Давр.
- 13.10 "Наврў олам мўборак". Байрам дастури.
- 14.50 "Бир мўддабат кўссан". Комедия, 1-қисм.
- 16.00 Давр.
- 16.10 "Бир мўддабат кўссан". Комедия, 2-қисм.
- 17.30 ТВ - анонс
- 17.35 "Ешлар"да янги дойра: "Қўнра яшам ошанларга" 1-қисм.
- 18.35 "Ханан" иккойи гурди намойиш янги: "Бўйирс" премьераси.
- 18.55 Иктам.
- 19.00 Давр.
- 19.30 ТВ-анонс.
- 19.35 "Эйлимизни куйайлаим". Гўлсаван Мамалзоғова.
- 20.05 "ЮКЕР" телеоренеси.
- 20.15 Эъландар.
- 20.20 Сплетс боллинд.
- 20.40 "Ешлар"да премьера: "Вир ва Зара", Бадиий фильм (Хиндустон)


- 21.55 Иктам.
- 22.00 Давр.
- 22.25 Эъландар.
- 22.40 "Вир ва Зара". Бадиий фильм (давном)
- 01.15 Дастурини ёпилишин.

